

## MAIN DIRECTIONS OF INNOVATIVE ACTIVITY IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM MANAGEMENT

Ҳасанова Райҳон Бозоровна

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ассисенти

Суюнов Абдуғани Шавкат ўғли

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ассисенти

### Abstract

This article describes the development of the tourism industry, its role in the country's national economy, and the main directions of innovative development in tourism.

**Keywords:** tourism, international tourism, innovation, tourist companies, flow of tourists, electronic visa, infrastructures.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида туризм соҳасини инновацион ривожлантиришнинг истиқболдаги мақсади республиканинг миллий-маданий тикланиши, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш борасидаги ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик масалаларини ҳал қилишдир. Туризм соҳаси олдида турган асосий вазифа Ўзбекистоннинг табиий иқлими, рекреацион ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ички ва халқаро туризм эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган юқори рентабелли туристик тармоқни яратишдан иборат.

Туризм соҳасини инновацион ривожлантиришни тезлаштириш жараёни бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, айнан бозор туристик хўжалик фаолият кўрсатиши учун энг мақбул иқтисодий муҳит ҳисобланади. Ўз навбатида, туристик тармоқ корхоналари бевосита истеъмолчига мўлжал олиб, бозор кенглиги шаклланишига фаол кўмаклашиши керак.

Мамлакатимизда туризм фаолиятининг самарадорлигини ошириш, туризм инфратузилмасининг мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг бошқа устувор соҳалари билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга имкон беради. Ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда туризм соҳаси айни пайтда чегарадош тармоқларга юқори талаблар қўяр экан, фақат технологияларни такомиллаштириш ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилишни яхшилашгагина эмас, балки хўжалик юритишнинг энг самарали шакллари жорий қилишга, янги иш жойларини яратишга ҳам кўмаклашади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини инновацион ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, мустаҳкам туристик тармоқ яратишга, туризм инфратузилмасига давлат бошқаруви таъсирини кучайтиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга,

экологик хавфсизликни таъминлашга, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаб қолишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти даражасини, шунингдек, жамиятнинг маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда энг асосий масалалардан бири хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш ва бу борада аҳолининг иш билан бандлик даражасининг ўсиб бориши саналади. Чунки, мазкур соҳа ходимлари сайёҳларни кутиб олиш, хизмат кўрсатиш, бўш иш ўринлари яратиш, чет эл валютаси кириб келишини кўпайтириш, туристик хизмат кўрсатувчи тармоқларга даромадлар олиш бўйича бир қанча омилларни ҳаракатга келтиради. Маҳаллий туристик ресурслардан тўғри фойдаланиш ўша ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишига, пировардида турли солиқларни тўлаш орқали маҳаллий ва давлат бюджетини тўлдиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирда муайян давлатни ривожланган мамлакатлар қаторига кўшишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакатда яратилаётган ЯИМдаги улуши 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон бўлиб қолмоқда. АҚШ иқтисодиётида яратилган ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 78, Японияда 62 фоизни ташкил этади. Шу сабабли мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган. Хусусан, Қашқадарё мисолида оладиган бўлсак, вилоятда 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режасида 167 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Уларда тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш, сайёҳлар учун меҳмонхоналар, дам олиш ва кўнгилочар ҳудудлар ташкил этиш, сайёҳларга миллий маданиятни кенг намойиш қилиш асосий вазифа этиб белгиланган. Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, республикамизнинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш туризм соҳасининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали унинг миллий иқтисодиёт ривожланишига қўшаётган салмоғини муттасил ошириб бориш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Маълумки, туризм соҳасининг равнақи бағрикенглик қарор топган, тинч ва осуда ҳаёт бор жойда яққол намоён бўлади. Сайёҳлик фаолияти хавфсизлигини самарали таъминлаш ва сайёҳлик хизматлари кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 ноябрдаги 939-сонли қарори қабул қилинди.

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек,

мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли фармони эълон қилинди. Мазкур фармоннинг мантикий давоми сифатида 2018 йилнинг февраль ойида соҳага оид тўртта муҳим ҳужжат имзоланди. Туризмни ривожлантириш тузилмалари штат бирликлари оширилди, виза бериш тартиби соддалаштирилди, 7 та давлатдан келаётган туристларга мамлакатимизда 30 кунгача визасиз ташрифга рухсат берилди. Электрон визаларни жорий этиш ҳам режалаштирилган.


Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январда “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095- сонли қарори ва 2019 йил 5 январда “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли фармони қабул қилинди.

Юртимизнинг барча гўшалари қаторида Қашқадарё вилояти ҳам ўзига хос, ранг-баранг ва бой тарихий-маданий меросга эга. Вилоятда туризмни ривожлантириш ва у орқали иқтисодий самарадорликка эришиш учун нафақат маданий-тарихий обидалардан тўлақонли фойдаланиш, балки янги туризм қўшма корхоналарини ташкил этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг қўламда жалб этишга ҳам жиддий аҳамият қаратилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони мазмун моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказилиши орқали ҳам туризмни ривожланишига эришилмоқда.

Қашқадарё вилояти ҳудудида кўхна тарихга эга жами 1321 та моддий-маданий мерос объекти, шундан Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий объектлар ЮНЕСКО нинг Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига олинган. Жумладан, ҳисобга олинган тарихий ва маданий мерос объектларининг 1043 та археологик, 208 та меъморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал санъат ёдгорликлари, 50 та жойлаштириш воситалари (2682 ўрин), 100 дан ортиқ миллий ва европа таомлари тайёрловчи ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 17 та туроператорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, 12 та туризм тоифасига мансуб автотранспорт воситалари, 43 нафар ҳамроҳ-таржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.



**1-расм. Шахрисабз шаҳридаги тарихий объектларнинг ЮНЕСКО томонидан олинган Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхати<sup>1</sup>**

2018 йил январь-ноябрь ойларида вилоятга жами 1,4 млн. турист ташриф буюрган бўлиб, шундан 62,7 минг нафари хорижий сайёҳларни ташкил этади.

Хорижлик сайёҳлар сони уч баробарга ошган. Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилнинг 11 ойида 90 млрд. сўмлик 49 та лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 810 ўринга эга бўлган 11 та жойлаштириш воситалари, 21 та ресторан ва қаҳвахона, 4 та туроператорлик субъекти ташкил қилинди. 8 та туризм тоифасидаги автобус ва микроавтобус олиб келинди.

Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш режаси тақдим қилинди. Режага кўра, 167 лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт хизматлари кўрсатиш, дам олиш ва кўнгилочар ҳудудлар ташкил этиш, тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилаётган лойиҳалардан яна бири эко ва этнотуризмни ривожлантириш, Амир Темур туғилган манзилни туризм масканига айлантиришга қаратилган.

Мамалкатмизда хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада

<sup>1</sup> Манба Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва юнесконинг умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №119 сонли Қарори

ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва урларини кенгайтириш мақсадида тарихий-маданий ёдгорликлар ва туристик салоҳияти юқори бўлган жойларнинг инфратузилмавий шароитларини замонавий талаблар даражасига етказиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Қашқадарёда Wi-Fi зоналарни ташкил этиш, транспорт инфратузилмаси, жаҳон туристик меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини, туризм инфратузилмаси объектларини -тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўл бўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган худудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларда замонавий туристик инфратузилмани жорий этиш бўйича сезиларли қадамлар қўйилди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида туризм бизнеси субъектлари учун имтиёзлар орқали соҳанинг ривожланиши учун катта имкониятлар яратмоқ даркордир.

### 1-жадвал Ўзбекистондаги туристик компанияларнинг вилоятлар бўйича тақсимоми<sup>2</sup>

№	Худудлар	Сони	%
1	Тошкент шаҳар	634	66,2
2	Тошкент вилояти	19	2,0
3	Қорақалпоғистон Республикаси	15	1,6
4	Хоразм вилояти	29	3,0
5	Сурхондарё вилояти	14	1,5
6	Қашқадарё вилояти	12	1,3
7	Навоий вилояти	4	0,4
8	Бухоро вилояти	59	6,2
9	Самарқанд вилояти	119	12,4
10	Сирдарё вилояти	4	0,4
11	Жиззах вилояти	5	0,5
12	Андижон вилояти	19	2,0
13	Фарғона вилояти	17	1,8
14	Наманган вилояти	7	0,7
	<b>Жами</b>	<b>957</b>	<b>100</b>

1- жадвал маълумотларини вилоятлар мисолида кўрсак, жами туристик компанияларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади. Унга кўра, жами туркомпанияларнинг 66,2 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Кейинги ўринларни Самарқанд вилояти 12,4 % ва Бухоро вилояти 6,2 % эгаллаган. Бу маълумотлар шуни

<sup>2</sup> [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/35\\_Amonboyev\\_Khalilov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/35_Amonboyev_Khalilov.pdf)



кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида туристик бизнес субъектлари сони кам ва шу вилоятларда кўшимча ташкилий-иқтисодий чоралар белгиланиши зарурати мавжуд.

Ўз навбатида, туристик маконларнинг ҳам туризм соҳасидаги ўрни катта бўлиб, уларнинг янги шакллари ва мавжуд имкониятларини очишни зарурат қилиб қўймоқда. Шунингдек, жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, мамлакатимизда мавжуд археологик ёдгорликлар, обидалар, монументал санъат ёдгорликлари, музейлар ва бошқа диққатга сазовор манзилларнинг кўпайиши йиллар давомида ўрганилмаганлигидан далолатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, туризм мамлакат иқтисодиётининг энг истиқболли ва даромадли соҳаси бўлиб, илм-фан, таълим ва бизнесни бирлаштирмақда. Бугун мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, туризм соҳасини инновацион ривожланишининг молиявий, иқтисодий ва ташкилий асосларини ислоҳ қилиш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг салоҳиятини ривожлантиришда сайёҳлик соҳа ролининг ўсиб боришида уни илмий тушуниш, юз бераётган жараёнларни асослаш, кадрлар тайёрлашнинг аниқ тизимини яратиш, профессионал туристик таълимнинг замонавий моделларини ўзлаштиришни талаб этмоқда. Чунки, жаҳон стандартларига жавоб берувчи юқори малакали мутахассислар танқислиги мамлакатимизда туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи энг асосий муаммо ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида, Ўзбекистон сайёҳлар учун хавфсизлиги, машхурлиги билан халқаро рейтингларда юқори ўринларни қўлга киритаётгани эътироф этиш керак. Лекин сайёҳларга малакали хизмат кўрсатадиган кадрлар етишмаслиги муаммоси ҳам борлигини айтиб ўтишимиз керак. Ҳукумат томонидан ушбу муаммони босқичма-босқич ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида мамлакатда меҳмонхона ва ресторан бизнеси бўйича 5 дан ортиқ университетда мутахассислар тайёрланапти, бир неча йил олдин бу кўрсаткич уч барабар кам эди. Уларда 3 мингдан ортиқ талаба таҳсил олишмоқда.

Таълим соҳасида халқаро ва давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги фаол ривожланмоқда, унинг асосида таълим сифатини яхшилаш, халқаро стандартларни барча босқичларида жорий этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва юнесконинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №119 сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095- сонли қарори. 2019 йил 5 январь
3. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли фармони. 2019 йил 5 январь

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони
6. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/35\\_Amonboyev\\_Khalilov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/35_Amonboyev_Khalilov.pdf)